

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимиятидаги қуйи бўғин ходимларининг малакаси оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПФ-5843-сонли Фармонида давлат органлари ва ташкилотлари давлат фуқаролик хизматчиларининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳар йили қисқа муддатли (30 — 60 соатли) малака ошириш курсларидан ўтиши лозимлиги кўрсатилиб ўтилган.



Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 17 майдан 04 июнгача Қорақалпоқ давлат университетида туман (шаҳар) ҳокимликлари бош мутахассислари учун малака ошириш курси ташкил этилмоқда.



Ўқув машғулоти давомида тингловчилар Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш, Ахборот-коммуникация технологиялари, Таянч ва соҳавий мутахассислик бўйича билимларини ривожлантириш, Давлат фуқаролик хизматчиси ахлоқи ва маданияти ҳамда Умумий саводхонлик йўналишлари бўйича тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши назарда тутилган.

Малака ошириш курслари якунида тингловчилардан тест синовлари олиниб, тегишли сертификатлар берилиши режалаштирилган.